

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЧАҚИРИҚҚА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ



2020-2021 ўқув йили якунида битирувчи синф ўқувчилари турли фанлардан назарий ва амалий имтиҳонлардан ўтказилмоқда. Шу жумладан, ўқувчиларнинг Чақиққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан олган билим ва кўникмалари назарий ва амалий синовлардан ўтказилди. Тумандаги битирувчи синф ўқувчилари 18299-сон ҳарбий қисмининг ҳарбий дала ўқув майдонида навбатдаги ўқ отиш синовларидан ўтказилиб, ҳарбий техникалар билан таништирилди ҳамда қуроллардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида кўргазмали тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бу каби синовлар келгусида ўқувчиларнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчи, муддатли ҳарбий хизматини ўташларида бошланғич кўникмаларни шакллантиришда, шунингдек, ёшларни ҳарбий Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга садоқат руҳини оширишга хизмат қилади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати